

Абдулҳаким қори
Комилжон ўғли

ТАЖВИД

(ҚУРЬОН ЎҚИШ ҚОИДАЛАРИ)



Самарқанд
"Имом Бухорий халқаро маркази"
2018 йил

УДК: 28-24-472

КБК: 86.38

A-15

Тажвид (Куръон ўқиши қоидалари)/ Нашрга тайёрловчи: Абдулҳаким қори Комилжон ўғли. – Тошкент: "Имом Бухорий халқаро маркази", 2018. – 64 б.

Куръони каримни тўғри ўқишини ўрганиши ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Динимизда ҳар бир ишнинг тартиб-қоидалари белгилаб берилгани каби Куръони каримни ўқишининг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Кўлингиздаги тажвид илмига бағишланган ушибу китобда ана шу қоидалар баён этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлаф
Махкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 2018 йил
27 февралдаги 1164-сонли
хуносаси асосида тайёрланди**

УДК: 28-24-472

КБК: 86.38

A-15

ISBN 978-9943-5322-4-3

© Абдулҳаким қори
Комилжон ўғли, 2018
© "Имом Бухорий халқаро маркази"

МУҚАДДИМА

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Куръони карим тиловатини ибодат қилган Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин.

Бу калом қандай нозил бўлган бўлса, шундай таълим берган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога тўхтовсиз дуруду салавотлар бўлсин.

Аллоҳнинг сўнги каломи – Куръони каримни ўрганиш ва унга амал қилиш ҳар бир кишининг бурчидир. Шариатда барча ишларни мукаммал бажаришнинг тартиб-қоидалари бўлганидек, Куръони каримни ҳам мукаммал ҳолда тиловат қилишнинг қоидалари мавжуд. Буни аввалио ибодат ва унинг ҳар бир ҳарфига улкан ажрлар берилишини ҳис қилиш керак.

Дарҳақиқат, юртимизда тажвид илми борасида кейинги йилларда жуда кўп китоблар ёзилди. Улар орасида содда, қисқа, оддий усулда ўргатадиганлари ҳам, бу ил-

Тажвид

мни чуқур, мукаммал даражада баён қилганилари ҳам мавжуд. Мазкур илмни юртдошларимиз томонидан мукаммал тарзда ўрганиб борилаётгани янада қувонарли ҳол. Қуръон ва уни ўқиш илмига бўлган муҳаббатнинг ортиб бориши натижасида юртимиизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Муборак Рамазон ойида масжидларда хатми Қуръонлардаги чиройли қироатлар, қориларнинг инсонларни ҳавасини келтирадиган даражадаги тиловатлари юксак эътирофларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, президентимиз ташаббуси билан жорий 2018 йилда “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси-2018”нинг ўтказилиши янада қувонарли ҳол. Аллоҳ таолонинг марҳамати ва ионяти билан бундай хайрли ишлар, Қуръонга бўлган илмларнинг ривожи юртмиизда қайтадан камолга етмоқда.

Имом Ғаззолий шундай дейдилар: “Қуръонни ҳақиқий тиловат қилиш – тиловатда тил, ақл ва қалбнинг иштирок этишидир”. Шундан келиб чиқадики, бу китоб бошқа китоблардан ўзгача хусусиятга эга. Қуръони каримнинг комил тиловат қилиш ва тиловатига бериладиган савобга эришиш учун тажвид қоидаларига риоя

Куръон ўқиши қоидалари

қилиш зарур. Зеро Аллоҳ таоло Куръонда шундай марҳамат қилган:

وَرَتَلَ الْقُرْءَانَ تَرْتِيلًا

“Куръонни тартыл билан тиловат қил”.
(Муззаммил сураси, 4-оят).

فَاقْرِئُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْءَانِ

“...Бас (энди), Куръондан мұяссар бўлганича ўқинглар”. (Муззаммил сураси, 20-оят).

Мазкур оятлардан Куръонни ўқишида диққат-эътиборли бўлиш, хотиржам, маъноларини чукур мулоҳаза қилиб ўқиши кераклиги тушунилади. Булар эса тажвид қоидалари – ҳарфларни ўз маҳражидан чиқариш, ингичка ўқиладиган ҳарфларни ингичка, йўғон ўқиладиган ҳарфларни йўғон ўқиши, мадларга, изҳор, ихфо ва идғом каби қоидаларига тўлиқ амал қилиш билан бўлади.

Аллоҳ таоло Куръони каримни бир-бини қувватлаган лафзлар ва маънолар бўлган оят ва суралардан иборат китоб қилиб нозил қилди. Уни тинглагандаги Аллоҳдан қўрқувчи бандалариинг қалблари титрайди, маъноларини англағандаги эса

Тажвид

унинг зикри билан қалблар таскин топади. Бу бир ҳидоят йўли бўлиб, Аллоҳ ўзи истаган бандасига насиб этади. Аллоҳ адаштирган кишини эса, ҳеч ким ҳидоятга бошлай олмайди.

Инсон бу фоний – ўткинчи дунёда абадий дунёга кўчмасдан аввал Холиқнинг каломидан завқ олиш, уни кўрсатилганидек ўқишга ҳаракат қилиб илоҳий хитобни эшитиш ва эшиittiриш ғояси билан яшashi керак. Қалбини жаҳолатнинг барча туридан холи қилиб, иймон нури ила ойдинлатиш ҳаракатида бўлган сиз азизларнинг эътиборингизга мўъжазгина ушбу китобчани тақдим этмоқдамиз. Агар ниятимизни холис қилиб, поклаб, ихлос билан тажвид илмини ўрганишга киришсак, бу йўлда Аллоҳга дуо қилиб, осон қилишини сўрасак, албатта Аллоҳ бу илм йўлини енгил қиласди. Ўзининг каломини тўғри ўқишга муваффақ қиласди, қалбларимизни очади.

Ушбу китобдан манфаат топсангиз Аллоҳдан, нуқсон ва камчиликларини ожизлигимизга йўясиз, деган умиддамиз. Тажвид илмига бағишланган кисқа ва мўъжаз бу китоб дарс шаклида ҳозирланган бўлиб, ўқувчига асосий маълумотларни тақдим

Куръон ўқиши қоидалари

этади. Бу ва бу каби китоблардан фойдаланиб Куръони каримни буюрилганидек ўқишишга ва ўқитишишга ҳаракат қилиб, илохий хитобни эшитиш ва эшииттиришига ғайрат қилаётган барча дўстларимизга Аллоҳнинг раҳмати, баракоти, ҳидояти ва муваффақиятини тилаймиз.

Тавфиқ ва ҳидоят Аллоҳдан.

Абдулҳаким қори Комилжон ўғли
“Носирхон” жомеъ масжиди имом хатиби,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошибаги “Ўзбекистон Куръон мусобақаси-2018”
ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари

Тажвид

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :

«خَيْرُكُمْ مَنْ تَعْلَمَ الْقُرْآنَ وَعَلَمَهُ»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-
хи васаллам марҳамат қилдилар:
“Сизларнинг яхшиларингиз Куръон-
ни ўрганганларингиз ва уни ўргатган-
ларингиздир”. (Бухорий ривоят қилган)

وَالْأَخْذُ بِالْتَّجْوِيدِ حَتَّمُ لَا زِمْ * مَنْ لَمْ يُجِودِ الْقُرْآنَ آثِمُ
لَأَنَّهُ بِهِ الْبِلْهُ أَنْزَلَ * وَهَكَذَا مِنْهُ إِلَيْنَا وَصَلَ

“Тажвид қоидаларини ўрганиши Куръон
ўқиган барчага лозимдир (фарздир),
Ким Куръонни тажвидсиз ўқиса гу-
ноҳкордир.

Чунки, Куръонни Аллоҳ тажвид ила
нозил қилди ва шу тарзда бизгача етиб
келди.

(Жазарий, Муқаддима).

ҚУРЬОН ТИЛОВАТИНИНГ ОДОБЛАРИ

1. Таҳоратли бўлиш.
2. Қироатдан аввал мисвок ишлатиш.
3. Тиловат қилинадиган жой ва кийим-нинг пок бўлиши.
4. Қиблаган юзланиш.
5. Ўйин-кулги ва чалғитувчи нарсалар-дан йироқ бўлиш.
6. Қироатни “Истиъоза” (Аъузу билла-аҳи...) билан бошлаш.
7. Диққат ва хушуъ билан ўқиши, маъно-ларни мулоҳаза қилиш.
7. Ҳар бир сурा (Тавба сурасидан ташқа-ри) аввалида “Басмала” (Бисмиллаахи...) айтиш.
7. Тажвидга мувофиқ тиловат қилиш.
8. Овоз ва оҳангни чиройли қилиш.
9. Куръон ўқилганда жим туриб, одоб билан тинглаш.
10. Қироат қилувчи хато қилса, тўғирлаб қўйиш.
11. Мусҳафни таҳорат билан ушлаш.

Тажвид

12. Мұсҳафни баландроқ жойға қўйиш.
13. Мұсҳафни кўтарғанда киндиқдан ба-
ландда тутиш.
14. Мұсҳафни хушбўй тутиш, маҳсус ғи-
лофда сақлаш.
15. Мұсҳафни эъзозлаш.

1-ДАРС

ҚУРЬОНИ КАРИМ ВА ТАЖВИД ҲАҚИДА

САВОЛ: Қуръони карим қандай китоб?

ЖАВОБ: Сўнгги пайғабар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га Аллоҳ таъ-
оло томонидан туширилган сўнгги китоб.

САВОЛ: Қуръони каримни қайси фа-
ришта туширган?

ЖАВОБ: Жаброил (алайҳиссалом).

САВОЛ: Қуръони карим неча йил даво-
мида тушган?

ЖАВОБ: 23 йил давомида тушган.

САВОЛ: Қуръони каримда нечта сурा
бор?

ЖАВОБ: 114 та.

Қуръон үқиши қоидалари

САВОЛ: Тажвид нима?

ЖАВОБ: “Тажвид” – “яхшилаш”, “зийнатлаш”, “чиройли қилиш” бўлиб, истилоҳда Қуръони каримнинг ҳар бир ҳарфининг ҳаққини адо қилиб талафғуз қилишдир.

САВОЛ: Тартил нима?

ЖАВОБ: Ҳар бир ҳарфни ўз ўрнидан дона-дона қилиб чиқариб, тажвид қоидаларига риоя қилиш.

САВОЛ: Тажвид илмининг ҳукми қандай?

ЖАВОБ: Тажвид илмини ўрганиш, тиловат қилганда унга амал қилиш фарзи айнdir.

САВОЛ: Тажвид илмининг мақсади нима?

ЖАВОБ: Қуръони карим тиловатида тилни хатодан сақлаш.

САВОЛ: Тажвид илмининг фойдаси нима?

ЖАВОБ: Икки дунё саодатига эришиш.

2-ДАРС

ИСТИЬОЗА ВА БАСМАЛА

САВОЛ: Истиъоза нима?

ЖАВОБ: أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ -
“Аъуузу биллааҳи минаш-шайтоонир-ро-
жийм” дейиш, “таъаввуз” деб ҳам юрити-
лади.

САВОЛ: Истиъозанинг маъноси нима?

ЖАВОБ: Луғатда: “паноҳ сўраш” ва “ил-
тижо”. Истилоҳда: Аллоҳга илтижо қилиб,
шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраш.

САВОЛ: Истиъозанинг ҳукми нима?

ЖАВОБ: Қуръони карим оятларининг
бирини ўқийдиган киши аввало таъаввуз
айтиши мустаҳабдир.

САВОЛ: Басмала нима?

ЖАВОБ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ - “Бисмил-
лааҳир роҳмаанир роҳийм” дейиш.

САВОЛ: Басмала айтишнинг ҳукми
нима?

ЖАВОБ: Қуръони карим суралари-
дан бирини ўқимоқчи бўлган кишининг
“Бисмиллааҳи...” деб айтиши суннатдир.

3-ДАРС

АРАБ АЛИФБОСИ ҲАРФЛАРИ

САВОЛ: Араб алифбосида нечта ҳарф бор?

ЖАВОБ: 29та:

ء ا ب ت ث ج ح خ د
ذ ر ز س ش ص ض ط
ظ ع غ ف ق ك ل م ن
ي و ه

4-ДАРС

ИСТЕЛЬО ВА ИСТИФОЛА ҲАРФЛАРИ (йўғон ва ингичка ўқиладиган ҳарфлар)

САВОЛ: Ушбу 29 та ҳарф нечтага бўлиниди?

ЖАВОБ: Иккига бўлинади.

Тажвид

САВОЛ: Нималарга?

ЖАВОБ: Истеъло ва истеъфола ҳарфларида.

САВОЛ: Истеъло ҳарфлари қандай ҳарфлар?

ЖАВОБ: Оғизни тўлдириб, тил орқасинининг орқа танглайга кўтарган ҳолда йўғон овозда ўқиладиган ҳарфлар.

САВОЛ: Истеъло ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: 7 та.

خُصَّ ضَغْطٌ قُظْ

آخ، آض، آض، آغ، آط، آق، آظ

Фалақ-2.

مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ،

Аср-1.

وَالْعَصْرِ،

Маъун-3.

وَلَا يَحُضُّ عَلَى طَعَامِ الْمِسْكِينِ،

Фалақ-3.

مِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ،

Шарҳ -3.

الَّذِي أَنْقَضَ ظَهِيرَةً

5-ДАРС

ИСТИФОЛА ҲАРФЛАРИ

САВОЛ: Истифола ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: - 22 та.

САВОЛ: Истифола ҳарфлари қандай ҳарфлар?

ЖАВОБ: Оғизни ёйиб, тил орқасини оғиз тубига туширган ҳолда ингичка овозда ўқиладиган ҳарфлар.

САВОЛ: Истифола ҳарфлари қайсилар?

ЖАВОБ: Қуийдагилар:

ا ب ت ث ج ح د ذ ر ز س ش ع ف ك
ل م ن و ه ئ ي

آبْ، آثْ، آثْ، آجْ، آحْ، آدْ، آذْ، آرْ، آزْ، آسْ،
آشْ، آعْ، آفْ، آكْ، آلْ، آنْ، آوْ، آءْ، آئْ

أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ،
Фотиха-6.

تَبَّثْ يَدَا أُبِي لَهَبٍ،
Масад-1.

وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًَا، مَاءً ثَجَاجًا،
Набавь-13-14.

وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا
Шамс-1.

6-ДАРС

**НУТҚ АЪЗОЛАРИ ВА ҲАРФЛАРНИНГ
ТАЛАФФУЗ ҚИЛИШ ЎРИНЛАРИ.
ҲАРФЛАРНИНГ МАХРАЖЛАРИ**

САВОЛ: Махраж нима?

ЖАВОБ: Луғатда: “чиқиш жойи”. Истилоҳда: “Ҳарфнинг чиқиш ва бошқасидан ажралиш жойи”.

САВОЛ: Товушларнинг махражлари нечта?

ЖАВОБ: 17 та.

САВОЛ: Ушбу 17 махраж нечта аъзода жойлашган?

ЖАВОБ: 5 та аъзода жойлашган, улар: ҳалқум ва оғиз бўшлиғи, ҳалқум, тил, икки лаб ва димоғ.

№	Махражлар жойлашган аъзолар номи	Шу аъзолардан чиқадиган махражлар
1	Ҳалқум ва оғиз бўшлиғи	1 та махраж
2	Ҳалқум	3 та махраж
3	Тил	10 та махраж
4	Икки лаб	2 та махраж
5	Димоғ	1 та махраж

Куръон ўқиши қоидалари

САВОЛ: Ҳалқум (бўғиз) ва оғиз бўшлиғи-
да ничта маҳраж бор?

ЖАВОБ: 1та маҳраж бор

САВОЛ: Бу ердан қайси ҳарфлар чиқа-
ди?

ЖАВОБ: Мад ҳарфлари: ا - او - ای

САВОЛ: Ҳалқумда нечта маҳраж бор?

ЖАВОБ: 3 та маҳраж бор:

- 1- маҳраж яъни ҳалқумнинг охиридан ئ - ئى,
- 2- маҳраж, ҳалқумнинг ўртасидан ح - ع ,
- 3- маҳраж, ҳалқумнинг энг юқори, яъни
оғиз бўшлиғига яқин жойидан خ - غ
ҳарфлари чиқади.

САВОЛ: Тилда нечта маҳраж бор?

ЖАВОБ: Тилда 10 та маҳраж бор:

1- маҳраж ق – “қоф” маҳражи бўлиб,
тилнинг туби ва унинг юқорисидаги тан-
глайдан чиқади..

2- маҳраж ک – “каф” маҳражи бўлиб,
“Қоф” маҳражининг бироз олдироғидан
чиқади.

Тажвид

3- махраж тилнинг ўртаси билан унинг юқорисидаги танглай. Бундан **ج - ش** - “жим”, “шийн” ва “йаа” ҳарфлари чиқади.

4- махраж **ض** - “дзод” ҳарфининг махражи бўлиб, тилнинг ўнг ёки чап орқа чети билан ост-уст озиқ тишларининг ораларидан чиқади.

5- махраж **ل** - “лам” ҳарфининг махражи бўлиб, тилнинг олдинги қисмининг юзаси ва танглайнинг олдинги тишларга қўшилган жойидан чиқади.

6- махраж тилнинг учи билан олдинги икки юқори тишнинг ич томони. Бундан **ن** - “нун” ҳарфи чиқади.

7- махраж тилнинг учи билан танглайнинг олди. Бундан **ر** - “ро” ҳарфи чиқади.

8- махраж тилнинг учи билан олдинги икки уст тишнинг туби. Бундан **ت - د** - **ط** - “та”, “дал” ва “то” ҳарфлари чиқади.

9- махраж тилнинг учи билан олдинги икки ост тишнинг юқори қисми. Бундан **ص - س** - **ز** - “за”, “син” ва “сад” ҳарфлари чиқади.

Куръон ўқиши қоидалари

10- махраж тилнинг учи билан олдинги икки уст тишининг учи. Бундан ظ - ث - ذ – “зал”, “са” ва “зо” ҳарфлари чиқади.

САВОЛ: Икки лабда нечта махраж бор ?

ЖАВОБ: 2 та махраж бор:

1- махраж ف – “фа” ҳарфининг махражи бўлиб, олдинги икки уст тиш билан остки лабнинг ич тарафидан чиқади.

2- махраж ب - و - م – “ба”, “мим” ва “вав” ҳарфларининг махражи бўлиб, икки лабнинг орасидан чиқади.

“Вав” ҳарфида икки лабнинг ораси очи- либ, чўччайтириб ўқилади. “ба” ва “мим”да икки лаб бир-бирига ёпишади.

САВОЛ: Димоғда нечта махраж бор?

ЖАВОБ: Димоғда 1 та махраж бор. Ундан ғунналик танвин, “мим”, “нун” ҳарфлари чиқади.

7-ДАРС

**ХАРАКАТ, СУКУН, СУКУНЛИ
“НУН” ВА ТАНВИН**

САВОЛ: Ҳаракат нима?

ЖАВОБ: Замма (՚), фатҳа (՚) ва касра (՚).

САВОЛ: Сукун нима?

ЖАВОБ: Ҳаракатсиз ҳарфларнинг устига қўйидаладиган қўйидаги белги: (՞).

САВОЛ: Сукунли “нун” нима?

ЖАВОБ: Ҳаракатсиз “нун”. ՞

САВОЛ: Танвин нима?

ЖАВОБ: Икки замма (՚), икки фатҳа (՚) ва икки касра (՚).

САВОЛ: Сукунли “нун” ва танвинда нечта қоида бор?

ЖАВОБ: 4 та: изҳор, иқлоб, идғом ва ихфо.

*Изоҳ: Икки замма (՚), икки фатҳа (՚) ва икки касра (՚)ларнинг “нун”и сукунли “нун” бўлиб, унга танвин дейилади. Танвин талаффузда айтилиб, ёзувда ёзилмайдиган “нун”дир.

8-ДАРС

ҚАЛҚАЛА ҲАРФЛАРИ

САВОЛ: Қалқала нима?

ЖАВОБ: Ҳарфни сукунли ҳолда нутқ қилғанда кучли оҳангда эшитиладиган қилиб тебратиб ўқиш.

САВОЛ: Қалқала ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: 5 та:

قْطُبُجَدْ (ق - ط - ب - ج - د)

Мисоллар:

أَحَدْ * صَمَدْ * كَسْبْ * أَجْرُ * إِقْتَرَابْ * وَتَبْ

ИЗОХ: Ҳар бир қалқала ҳарфлари сокинлик келғанда ўзининг маҳражи тебратиб айтилади. Бунда лаблар қимиirlамайди.

9-ДАРС

ҲАМС ВА СОФИР ҲАРФЛАРИ

САВОЛ: Ҳамс нима?

ЖАВОБ: Ҳарфни нутқ қилаётганды маҳражга суюниш кучсиз бўлгани учун ҳарфга ҳаво қўшиб чиқариш.

Тажвид

САВОЛ: Ҳамс ҳарфлари қайсилар?

ЖАВОБ: Қыйидаги 10 та ҳарфлар:

ت ث ح خ س ش ص ف ك ه

فَحَثَّهُ شَخْصٌ سَكْثٌ * آثُ، آثُ، اخْ

Ушбу ҳарфларни ҳар бирини сукунли қилиб айтиб кўрилса, товушдан ташқари ҳаво ҳам қўшилиб чиқаётганини ҳис қилиш мумкин

САВОЛ: Қандай ҳамс қилинади?

ЖАВОБ: ت - ك - ت - “та” ва “каф” ҳарфлари фақатгина сукун бўлганда ҳамс қилинади. Қолган ҳарфлар эса ҳаракатли ва сукунли бўлганда ҳам ҳамс қилинади.

Масалан:

Иншиқоқ-1.

* إِذَا أَلْسَمَهُ أَنْشَقَتْ

Шарҳ-4.

* وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ

Балад-2.

* رَسُولٌ مِّنَ اللَّهِ يَئُلُّوْا صُحْفًا مُّطَهَّرَةً

САВОЛ: Соғир нима?

ЖАВОБ: Нутқ қилаётганда худди хуштаксимон қилиб талаффуз қилиш.

САВОЛ: Соғир ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: Учта:
ز - س - ص - "за", "син"
ва "сад" ҳарфларидир.

أَصْ، أَسْ، أَزْ

10-ДАРС

ИЗХОР

САВОЛ: Изҳор нима?

ЖАВОБ: Сукунли "нун" ёки танвин 6 та ҳарфнинг бирига йўлиққанда, "нун"ни билдириб ўқиши.

САВОЛ: Изҳор ҳарфлари қайсилар?

ЖАВОБ: خ - ع - ح - ئ - ه

Мисоллар:

Курайш-4.

مِنْ خَوْفٍ

Бақара-225.

غَفُورٌ حَلِيمٌ

11-ДАРС ИҚЛОБ

САВОЛ: Иқлоб нима?

ЖАВОБ: Сукунли “нун” ёки танвиннинг “нун”и “ба” ҳарфига йўлиққанда, “нун”ни “мим”га алмаштириб, димоғ билан икки ҳаракат миқдорича ғунна ушлаб туриш

САВОЛ: Иқлоб ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: Битта: ب

Мисоллар:

(Баййина-4) مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمْ الْبِيْنَةُ - (Mِنْ بَعْدِ) -

(Хаж-61) وَأَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ - (Sَمِيعٌ بَصِيرٌ) -

Маданий босма қуръонларда иқлобни билдириш учун танвин ила иқлоб қилинадиган ўринларда танвинни биттасини ўрнига кичкина мим харифи қўйиб кетилган. Сукунли нунларда эса нуннинг сукуни ўрнида “м” мим ҳарфи қўйиб кетилган.

وَمَا نَفَرَّقَ اللَّهِنَ أُوتُوا الْكِتَبَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمْ

الْبِيْنَةُ

12-ДАРС

ИДФОМ

САВОЛ: Идғом нима?

ЖАВОБ: Бир ҳарфни иккинчи бир ҳарф ичига киргизиб ўқиши.

САВОЛ: Идғом неча хил бўлади?

ЖАВОБ: Икки хил бўлади: ғуннали идғом ва ғуннасиз идғом.

САВОЛ: Ғунна нима?

ЖАВОБ: Димоғдан чиқадиган овоз.

САВОЛ: Ғуннали ҳарфлар нечта?

ЖАВОБ: 4 та: م - ن - و - ی - یمنو ҳарфлари.

САВОЛ: Ғуннасиз идғом ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: 2 та: ر - ل

ГУННАЛИ ИДФОМ

САВОЛ: Ғуннали идғом нима?

ЖАВОБ: Сукунли “нун” ёки танвин (یمنو) ҳарфларидан бирига йўлиққанида, “нун”ни ўша ҳарфнинг ичига киргизиб,

Тажвид

димоғ билан икки ҳаракат миқдорича ғұнна қилиб ўқиши.

Мисоллар:

(Нур-45) وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِّنْ مَاءٍ - (مِمَّا عٰيٰ)



فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ،

(Залзала-7) - (خَيْرَ يَرَهُ)

* Эслатма: Қуръони каримнинг түрт жойида сукунли “нун” “вав” ва “йа”га идғом қилмасдан, билдириб ўқилади:

(Роъд-4) - صِنْوَانٌ

(Анъом-99) - قِنْوَانٌ

(Соф-4) - بُنْيَانٌ

(Аъло-16) - دُنْيَا

13-ДАРС

ҒУННАСИЗ ИДФОМ

САВОЛ: Ғуннасиз идғом нима?

ЖАВОБ: Сукунли “нун” ёки танвин
ва ل ҳарфларидан бирига йўлиққанида,
“нун”ни ўша ҳарфнинг ичига киргизиб,
ғуннасиз ўқиши.

Мисоллар:

Бақара-5 أُولَئِكَ عَلَى هُدَىٰ مِن رَّبِّهِمْ - (مِرَّبِّهِمْ)

Бақара-22 (رِزْقَكُمْ) - فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الشَّمَرَتِ رِزْقًا لَّكُمْ

Хумаза-1 (وَيُلْلِكُلٌ - هُمَرَ تَلْمَزَ) ۱ - وَيُلْكُلِ هُمَرَةٍ لَّمَزَةٍ

14-ДАРС ИХФО

САВОЛ: Ихфо нима?

ЖАВОБ: Суқунли “нун” ёки танвин 15 та ихфо ҳарфларидан бирига йўлиққанида “нун”ни яшириб, димоғ билан икки ҳаратат миқдорича ғунна қилиб ўқиш

САВОЛ: Ихфо ҳарфлари қайсилар?

ЖАВОБ: Қуйидагилар:

ҒУННАЛИ ИХФО ҲАРФЛАРИ:

ت ث ج د ذ ز س ش ص
ض ط ظ ف ق ك

Мисоллар:

(Кафирун-3) ۲ وَلَا أَنْتُمْ عَنِيدُونَ مَا أَعْبُدُ

(Кориња-6) ۶ فَأَمَّا مَنْ ثَقَلَتْ مَوَازِينُهُ

الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ وَءَامَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ

(Курайш-4)

Куръон ўқиши қоидалари

جَرَأُوهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّتُ عَدَنِ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ
خَلِدِينَ فِيهَا أَبَدًا

(Баййина-8)

إِنَّمَا أَنْتَ مُنْذِرٌ مَنْ يَخْشَى هَا

(Назиъат-45) ٤٥

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ

(Қадр-1) ١

تَرْمِيمِهِمْ بِحِجَارَةٍ مِنْ سِجِّيلٍ

(Фийл-4) ٤

مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ

(Фалақ-2) ٦

يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ أَعْزَيزُ الرَّحِيمِ

(Рум-5) ٥

وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَارَةً مِنْ سِجِّيلٍ مَنْضُودٍ

(Худ- 82) ٨٣

وَلَدَيْنَا كِتَبٌ يَنْطِقُ بِالْحَقِّ

(Муъминун-62) ٦٢

يَوْمَ يَنْظُرُ الْمَرءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ

(Набаъ-40) ٦٠

عَاقِرًا فَهَبْ لِي مِنْ لَدُنِكَ وَلِيَّا

(Марям-5) ٥

مِنْ قَبْلُ هُدَى لِلنَّاسِ وَأَنْزَلَ الْفُرْقَانَ

(Оли Имрон-4) ٤

أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَى الْهُدَىٰ

(Алақ-11) ١١

15-ДАРС

СУКУНЛИ МИМ

САВОЛ: Сукунли “мим”да нечта қоида бор?

ЖАВОБ: З та: гуннали идғоми мислайн, ихфой шафавийя ва изҳори шафавийя.

САВОЛ: Гуннали идғоми мислайн нима?

ЖАВОБ: Сукунли “мим” “мим” ҳарфига йўлиққанда биринчисини иккинчисининг ичига киргизиб, икки ҳаракат миқдорича гунна ушлаб туриш.

Мисоллар:

Хумаза-8. ﴿٨﴾ إِنَّهَا عَلَيْهِم مُّؤَصَّدَةٌ (عَلَيْهِمُؤْصَدَةٌ)

أَفَمَنْ أَسَسَ بُنْيَنَهُ، عَلَى تَقْوَىٰ مِنْ اللَّهِ
وَرِضْوَانٍ خَيْرٌ أَمْ مَنْ أَسَسَ بُنْيَنَهُ، عَلَى شَفَا
جُرُفٍ هَارِ فَنْهَارَ بِهِ، فِي نَارٍ جَهَنَّمُ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي
(Тавба-109) ﴿١٠٩﴾ الْقَوْمُ الظَّالِمِينَ

Куръон үқиши қоидалари

САВОЛ: Ихфой шафавиййа нима?

ЖАВОБ: Сукунли “мим” “ба” ҳарфи-га йўлиққанда, “мим”ни “ба” ҳарфининг чиқадиган жойига яшириб, икки ҳаракат миқдорича ғунна ушлаб туриш.

Мисоллар:

(Фил-4)  تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّنْ سِجِيلٍ

وَقَالُوا لَوْ شَاءَ الرَّحْمَنُ مَا عَبَدَنَاهُمْ مَا لَهُمْ بِذَلِكَ

(Зухруф-20)  مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ

САВОЛ: Изҳори шафавиййа нима?

ЖАВОБ: Сукунли “мим” “мим” билан “ба” ҳарфидан бошқа ҳарфларга йўлиққанда, “мим”ни билдириб үқиши.

Мисоллар:

(Кафирун-6)

 لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينٌ

16-ДАРС

МАД ҲАРФЛАРИ

САВОЛ: Мад нима?

ЖАВОБ: Ҳарфни талаффуз қилганда то-
вушни чўзиб ўқиши.

САВОЛ: Мад ҳарфлари нечта?

ЖАВОБ: Мад ҳарфлари 3 та:

و - (وَائِي)

САВОЛ: “Алиф” қачон мад бўлади?

ЖАВОБ: “Алиф” сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф фатҳали бўлганда мад бўла-
ди, яъни чўзиб ўқилади.

مَالِك - إِيَّاك

САВОЛ: “Вав” қачон мад бўлади?

ЖАВОБ: “Вав” сукунли бўлиб, ўзидан ав-
валги ҳарф заммали бўлганда мад бўлади.

كُونُوا - قُولُوا

САВОЛ: “Йа” қачон мад бўлади?

ЖАВОБ: “Йа” сукунли бўлиб, ўзидан ав-
валги ҳарф касрали бўлганда мад бўлади.

لَفِي - نَعِيمْ

17-ДАРС

САБАБИ МАД

САВОЛ: Сабаби мад нима?

ЖАВОБ: Мад ҳарфларининг бир алиф – икки ҳаракатдан ортиқ чўзилишига сабаб бўладиган белги.

САВОЛ: Сабаби мад нечта?

ЖАВОБ: 2 та: 1. Ҳамза ва 2. Сукун.

САВОЛ: Сукун неча хил бўлади?

ЖАВОБ: 2 хил бўлади: 1) Лозим сукун; 2) Ориз сукун.

САВОЛ: Лозим сукун қандай сукун?

ЖАВОБ: Аввалдан бор бўлиб, доимо турдиган сукун.

Мисоллар:

الصَّاحَةُ - يَتَمَّاسَا

الصَّاخَّةُ - يَتَمَّاسْسَا

Мазкур сўзларда ташдид ичидаги биринчи “хо”, биринчи “лам” ва биринчи “син”ларнинг сукуни лозим сукунdir.

САВОЛ: Ориз сукун қандай сукун?

ЖАВОБ: Вақф қилиш сабабли пайдо бўладиган сукунdir. Агар сўз ўзидан кейин-

Тажвид

ги жумлага улаб ўқилса, унда ўз ҳаракатига биноан ўқилаверади. Мисоллар:

الْعَالَمِينَ (الْعَالَمِينَ) * الرَّحِيمُ (الرَّحِيمُ)
النَّاسِ (النَّاسِ) *

Мазкур сўзлар охиридаги “нун”, “мим” ва “син”ларнинг сукуни ориз сукундири.

18-ДАРС

МАДНИНГ ТУРЛАРИ.

МАДДИ ТАБИЙ

САВОЛ: Мад неча турли бўлади?

ЖАВОБ: Мад 7 хил бўлади. Мадди табиий, мадди муттасил, мадди мунфасил, мадди лозим, мадди ориз, мадди лини лозим, мадди лини ориз.

САВОЛ: Мад қачон табиий бўлади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфидан кейин сабаби мад келмаса, мадди табиий бўлади.

САВОЛ: Мадди табиий қанча чўзилади?

ЖАВОБ: Икки ҳаракат миқдорида чўзилади. (Икки ҳаракат миқдори бир алифга тенг)

Мисоллар:

آمَنَ - أَوْذُوا - أُوتِينَا

19-ДАРС

МАДДИ МУТТАСИЛ

САВОЛ: Мад қачон муттасил бўлади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфидан кейин сабаби

мад ҳамза (ع) бўлиб, иккиси бир калимада келса, мадди муттасил бўлади.

САВОЛ: Нима учун “мадди муттасил” дейилади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфи билан “ҳамза” (ع) бир сўзда келгани учун “мадди муттасил” дейилади.

САВОЛ: Мадди муттасил қанча миқдорда чўзилади?

ЖАВОБ: Мадди муттасилни тўрт-беш ҳаракат миқдорида чўзиш шарт.

Мисоллар:

الْمَلَائِكَةُ * خَابِفًا * أُولَاءِكَ * سُوءُ * جَاءَ * حَيَّةٌ

جَنَّتُ عَدِينَ يَدْخُلُونَهَا وَمَنْ صَلَحَ مِنْ أَبَاءِهِمْ وَأَزْفَرَ جَهَنَّمَ
 وَذُرِّيَّتِهِمْ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ

(Роъд-23)

20-ДАРС

МАДДИ МУНФАСИЛ

САВОЛ: Мад қачон мунфасил бўлади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфидан кейин келган сабаби мад ҳамза (ع) бўлиб, бошқа сўз бошида келса, мадди мунфасил бўлади.

САВОЛ: Мадди мунфасил қанча миқдорда чўзилади?

ЖАВОБ: Мадди мунфасилни икки, беш ҳаракат чўзилади.

Мисоллар:

إِنَّا أَعْطَيْنَا - إِنِّي آمَنْتُ - يَا أَيُّهَا - إِنَّا أَوْحَيْنَا

ҚЎШИМЧА

(“вав” ва “йа” муқаддара ёки “ҳа” замирининг кичик мадди)

Сўзларнинг охирида келган (ا - ء) ҳарф (яъни сўзнинг ўзагида бўлмаган замир-олмош)ларидан аввалги ҳарф ҳаракатли бўлса, (ا) нинг заммасига бир “вав”, (ء) нинг касрасига бир “йа” ортириб, икки ҳаракат миқдорида чўзиб ўқилади. Бу

Куръон үқиши қоидалари

Кичик сила мад бўлиб, икки ҳаракат миқдорича чўзилади. Агар ушбу ҳарфлардан аввалги ҳарф ҳаракатли бўлса ва кейинги ҳарф ҳаракатли ҳамза бўлса катта сила мад бўлиб, мунфасил мад ҳукмида бўлади.

Кичик сила мадга мисол:

(إِنَّهُ وَ إِنَّهُوْ) - مَالُهُ وَ (مَالُهُوْ)

(بِهِ وَ بِهِيْ) - هَذِهِ وَ (هَذِهِيْ)

Катта сила мадга мисол:

(Балад-7)

أَيْحَسْبُ أَنْ لَمْ يَرَهُ أَحَدٌ

Эслатма: Қуйидаги ҳолатларда “ـ” замери чўзилмайди:

1. يَرْضَهُ لَكُمْ оятида, шартлар тўлиқ бўлса ҳам чўзилмайди.

2. “ـ” ҳарфи сўзнинг аслий ҳарфларида бўлса ҳам чўзилмайди.

Мисол: فَوَاكِهُ وَهُمْ

21-ДАРС

МАДДИ ЛОЗИМ

САВОЛ: Мад қачон лозим бўлади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфидан кейин келган сабаби мад сукуни лозим бўлса, мадди лозим бўлади.

САВОЛ: Мадди лозим қанча миқдорда чўзилади?

ЖАВОБ: Олти ҳаракат миқдорида чўзиш вожиб.

وَلَا الضَّالِّينَ - (وَلَا الضَّالِّينَ)

الصَّاحَّة - (الصَّاحَّة)

- يَتَمَّاسًا - (يَتَمَّاسًا)

الْمَ - (أَلْفُ لَامْ مِيمْ) - ق - (قَافْ)

تَ - (نُونْ) - صَ - (صَادْ)

يَسَ - (يَاسِينْ) الْحَاقَّة - (الْحَاقَّة)

تَأْمُرُونَى - (تَأْمُرُونَى)

22-ДАРС

МАДДИ ОРИЗ

САВОЛ: Мад ориз қачон бўлади?

ЖАВОБ: Мад ҳарфидан кейин келган сабаби мад сукуни оriz бўлса, мадди оriz бўлади.

САВОЛ: Мадди оriz қанча миқдорда чўзилади?

ЖАВОБ: Мадди оrizни икки, тўрт ёки олти ҳаракат миқдорида чўзиш жоиз.

الرَّحِيمُ (الْعَالَمِينَ) - رَبُّ الْعَالَمِينَ (رَبِّ الْعَالَمِينَ)

نَسْتَعِينُ (نَسْتَعِينُ) - وَالنَّاسُ (وَالنَّاسُ)

يَوْمُ الدِّينِ (يَوْمُ الدِّينِ) - لَا يَعْلَمُونَ (لَا يَعْلَمُونَ)

23-ДАРС

МАДДИ ЛИНИ ЛОЗИМ ВА МАДДИ ЛИНИ ОРИЗ

САВОЛ: Мадди лин нима?

ЖАВОБ: Юмшоқ мад ҳарфлари.

САВОЛ: Лин (юмшоқ) ҳарфлар нечта?

ЖАВОБ: 2 та: сукунли “вав” ва сукунли “йа” ҳарфлари.

Тажвид

САВОЛ: Бу ҳарфлар қачон мадди лин бўлади?

ЖАВОБ: Бу ҳарфлардан аввалги ҳарф фатҳали бўлганда:

Мисоллар:

قُرَيْشٌ - قَوْمٌ - شَيْءٌ
 وَالصَّيْفِ - عَلَيْهِ - وَلَا نَوْمٌ - بِالْغَيْبِ

Бу сўзлардаги “вав” ва “йа” ҳарфлари юмшоқ товуш билан чўзилади.

САВОЛ: Мад қачон лини лозим бўлади?

ЖАВОБ: Лин ҳарфи сукуни лозимга йўлиқканда мадди лини лозим бўлади.

САВОЛ: Мадди лини лозим қанча миқдорда чўзилади?

ЖАВОБ: Олти ҳаракат миқдорида чўзиш шарт.

Мисоллар:

كَهِيْعَصْ - حَمَّ عَسَقْ

Мазкур оятлардаги “عَيْنٌ” нинг “йа”си.

САВОЛ: Мад қачон лини ориз бўлади?

ЖАВОБ: Лин ҳарфи сукуни оризга йўлиқканда мадди лини ориз бўлади.

САВОЛ: Мадди лини ориз қанча миқдорда чўзилади?

Куръон ўқиши қоидалари

ЖАВОБ: Икки, тўрт ёки олти ҳаракат микдорида чўзиш жоиз.

Мисоллар:

مِنْ خَوْفٍ (مِنْ خَوْفٍ)

دَآءِرَةُ السَّوْءِ (دَآءِرَةُ السَّوْءِ)

وَلَا نَوْمٌ (وَلَا نَوْمٌ) - وَالصَّيْفِ (وَالصَّيْفِ)

24-ДАРС

“АЛЛОХ” ЛАФЗИ

САВОЛ: “Аллоҳ” лафзининг “лам”ида қандай қоида бор?

ЖАВОБ: 1. Тафхим ва 2. Тарқиқ.

САВОЛ: Тафхим нима?

ЖАВОБ: Йўғон ўқиши.

САВОЛ: Тарқиқ нима?

ЖАВОБ: Ингичка ўқиши.

САВОЛ: “Аллоҳ” лафзининг “лам”и қа-
чон тафхим (йўғон) ўқилади?

ЖАВОБ: Бу лафздан аввалги ҳарф зам-
ма ёки фатҳали бўлса.

Мисоллар:

* مِنَ اللَّهِ * إِنَّ اللَّهَ * رَسُولُ اللَّهِ * عَبْدُ اللَّهِ *
هُوَ اللَّهُ * نَصْرُ اللَّهِ *

Тажвид

САВОЛ: “Аллоҳ” лафзининг “лам”и қа-
чон тарқиқ (ингичка) ўқилади?

ЖАВОБ: Бу лафздан аввалги ҳарф каср-
ли бўлса.

Мисоллар:

بِاللّٰهِ - بِإِذْنِ اللّٰهِ - لِلّٰهِ

25-ДАРС

“РО” ҲАРФИНИНГ ТАФХИМИ

САВОЛ: “Ро” ҳарфида нечта қоида бор?

ЖАВОБ: 2 та: тафхим ва тарқиқ.

САВОЛ: Қандай ҳолатда тафхим бўлади?

ЖАВОБ: Олти ҳолатда тафхим бўлади
ва “ро” йўғон қилиб ўқилади.

1) “Ро” фатҳали ёки заммали бўлса:

بِرَبِّكُمْ - رَحِيمٌ - أَرَأَيْتَ - رُزْقُوا
كَفَرُوا - رُوحُ الْقُدُسِ

2) “Ро” суқунли бўлиб, ундан аввалги
ҳарф фатҳали ёки заммали бўлса:

مَرْيَمُ - وَالْأَرْضَ - قُرْآنُ - أَرْسَلَ

3) “Ро” суқунли бўлиб, кейинги ҳарф ис-
теъло ҳарфи бўлса:

لِبِالْمِرْصَادِ - فِرْقَةٌ - قِرْطَاسٍ

4) “Ро” сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф касрали бўлса ва касраси оризий (кейин пайдо бўлган) ёки бошқа сўзда бўлса:

إِرْجِعُوا - أَمْ ارْتَابُوا

5) “Ро” сукун билан тўхталиб, ундан аввалги ҳарф истеъло ҳарфидан ва у ҳам сукунли бўлса:

عَيْنَ الْقِطْرِ

6) “Ро” сукун билан тўхталиб, ундан аввалги ҳарф ҳам сукунли, ундан аввалги ҳарф эса фатҳали ёки заммали бўлса:

وَالْفَجْرِ بِالْكُفْرِ وَالْعَصْرِ

26-ДАРС

“РО” ҲАРФИНИНГ ТАРҚИҚИ

САВОЛ: “Ро” қандай ҳолатда тарқиқ бўлади?

ЖАВОБ: Тўрт ҳолатда тарқиқ бўлади ва “ро” ингичка қилиб ўқилади.

Тажвид

1) “Ро” касрали бўлса:

رِجَالٌ - رِزْقًا

2) “Ро” сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф касрали бўлса:

وَاغْفِرْ

3) “Ро” сукун билан тўхталиб, унинг аввалги ҳарфи “ҳарфи лин” бўлса:

خَيْرٌ

4) “Ро” сукун билан тўхталиб, аввалги ҳарфи ҳам сукунли, ундан аввалги ҳарфи касрали бўлса:

السّحْرُ - الْحِجْرُ - الذِّكْرُ

Эслатма: Куръони каримнинг Шуъаро сураси 63-оятидаги فِرْقٍ калимасида “ро” йўғон ёки ингичка ўқилиши жоиз. Бунда “ро” ҳарфи сукунли бўлиб, аслий касрадан кейин келса ва ундан кейин истеъло ҳарфи касрали бўлса, “ро”ни ингичка ёки йўғон ўқиш жоиз. Бу ҳолатга Куръони каримда бундан бошқа мисол йўқ.

27-ДАРС

ИДФОМИ МИСЛАЙН

САВОЛ: Идфоми мислайн нима?

ЖАВОБ: Исмда ва маҳражда бир бўлган икки ҳарф бир-бирига йўлиқиб, аввалгини кейингисининг ичига киргизиб ўқиш “Идфоми мислайн”дир.

Мисоллар:

قدْ دَخَلُوا (قَدَّ دَخَلُوا) - بَلْ لَا (بَلَّا)

رَبِحَتْ تِجَارَتُهُمْ (رَبِحَتِ تِجَارَتُهُمْ)

لَنْ نَصِيرَ (لَنَصِيرَ)

Эслатма: Чўзиқ “вав” ва “йа” ҳарфлари ўз жинсига йўлиққанида юқоридаги мисоллар каби идфом қилинмайди:

Мисол:

الذِي يُوَسِّعُ

Ташдид билан ўқиладиган ҳарфларнинг ҳар бирида идфоми мислайн бўлиб, “нун” билан “мим” икки ҳаракат миқдорида ғуна билан ўқилади.

Тажвид

Мисол:

إِنْ - إِنْ * لَمَا - لَمْما

“Нун” билан “мим”дан бошқа ҳарфларда ғуннасиз ўқилади.

Мисол:

ضَلَّ - رَبَّ

28-ДАРС

ИДФОМИ МУТАЖОНИСАЙН

САВОЛ: Идфоми мутажонисайн нима?

ЖАВОБ: Битта маҳраждан чиқадиган, аммо исмда турлича бўлган икки ҳарф бир-бирига йўлиқиб, аввалгиси сукунли бўлган вақтда, аввалгисини кейингисининг ичига киргизиб ўқиш “Идфоми мутажонисайн”дир.

САВОЛ: Бундай ҳарфлар нечта маҳражга бўлинади?

ЖАВОБ: Учта маҳражга бўлинади.

САВОЛ: Биринчи маҳраж қайси?

ЖАВОБ: “Дал” - د, “та” - ت ва “то” - ط ҳарфларининг маҳражлари.

Kуръон ўқиши қоидалари

Мисоллар:

مَا وَعَدْتُمْ (مَا وَعَتْتُمْ) - لَيْنَ بَسْطَتَ (لَيْنَ بَسَّتَ)

قَدْ تَبَيَّنَ (قَتَّبَيَّنَ) - أَجِيبَتْ دَعْوَتُكُمَا

(أَجِيبَدَ عَوْنَتُكُمَا)

САВОЛ: Иккинчи маҳраж қайси?

ЖАВОБ: “Зал” - ذ, “са” - ث ва “зо” - ظ - ҳарфларининг маҳражлари.

Мисоллар:

إِذْ ظَلَمُوا (إِظْلَمُوا) - يَلْهَثْ ذَلِكَ (يَلْهَذِلَكَ)

САВОЛ: Учинчи маҳраж қайси?

ЖАВОБ: “Ба” - ب ва “мим” - م ҳарфларининг маҳражлари.

Мисоллар:

اْرَكَبْ مَعَنَا - (اْرَكَبْ مَعَنَا)

29-ДАРС

ИДГОМИ МУТАҚОРИБАЙН

САВОЛ: Идғоми мутақорибайн нима?

ЖАВОБ: Исмда ёки маҳражда бир-бирига яқин бўлган икки ҳарф бир ерда келиб, аввалгиси сукунли бўлган вақтда, аввалгисини кейингисининг ичига киргизиб ўқиш “Идғоми мутақорибайн”дир.

САВОЛ: Исмда бир-бирига яқин бўлган ҳарфлар қайси?

ЖАВОБ: “Қоғ” - қ ва “кағ” - қ ҳарфлари.

Мисоллар:

Фуссилат -20. أَلْمَ نَخْلُقْكُمْ (أَلْمَ نَخْلُقْكُمْ)

САВОЛ: Маҳражда бир-бирига яқин бўлган ҳарфлар қайси?

ЖАВОБ: “Лам” - ل ва “ро” - ر ҳарфлари.

Мисоллар:

Тоҳа -114.

وَ قُلْ رَبْ (وَ قُرَّبْ)

30-ДАРС

ИДГОМИ ШАМСИЙА

САВОЛ: Идғоми шамсийя нима?

ЖАВОБ: ال – “алиф-лам”дан кейин 14 та шамсийя ҳарфларининг бири келса, “лам”ни кейинги ҳарфнинг ичига киргизб үқиши.

САВОЛ: Шамсийя ҳарфлари қайсилар?

ЖАВОБ: Қуйидагилар:

ت ث د ذ ر ز س ش
ص ض ط ظ ل ن

Мисоллар:

الْتَّيْنُ، الشَّمْرُ، الدَّهْرُ، الذِّكْرُ، الرَّحِيمُ،
السَّمَاءُ، الشَّمْسُ، النُّورُ

САВОЛ: Изҳори қамарийя нима?

ЖАВОБ: ال – “алиф-лам”дан кейин 14 та қамарийя ҳарфларининг бири келса, “лам”ни билдириб үқиши.

САВОЛ: Қамарийя ҳарфлари қайсилар?

Тажвид

ЖАВОБ: Қуидаги 14 та ҳарфлар:

ا ب ج ح خ ع غ ف ق ك
م و ه ي

إِبْغُ حَجَّكَ وَ خِفْ عَقِيمَهُ

Мисоллар:

الْبَلْدُ، الْجَنَّةُ، الْحَجُّ، الْخُوفُ، الْفِيلُ، الْوَحْيُ

31-ДАРС

ВАҚФ (ТҮХТАШ)

САВОЛ: Вақф нима?

ЖАВОБ: Оятлар орасида түхтаб нафас олиш.

САВОЛ: Қандай ўринларда вақф қилинади?

ЖАВОБ: Қуидаги **ج**, **ه**, **و**, **ي**, белгиларидан бири бўлган ўринларда вақф қилинади.

САВОЛ: Вақф неча хил бўлади?

ЖАВОБ: 3 хил: сукунли “ҳа”, “алиф” ва “сукун” билан.

САВОЛ: Қандай ўринларда сукунли “ҳа” билан вақф қилинади?

Куръон ўқиши қоидалари

ЖАВОБ: Вақф қилинадиган калима-

нинг охирида ة - ئَةَ бўлса, юмшоқ сукунли

- ئَهْ، ئَهْ - x деб вақф қилинади.

Мисоллар: (қавс ичида вақф қилинганда ўқилиши берилган)

الْوَاقِعَةُ (الْوَاقِعَةُ)، الْحَاقَةُ (الْحَاقَةُ)، مَرْفُوعَةٌ (مَرْفُوعَةٌ)، حَامِيَةٌ (حَامِيَةُ)، الصَّلُوْةُ (الصَّلُوْةُ)

САВОЛ: Қачон “алиф” билан вақф қилинади?

ЖАВОБ: Вақф қилинадиган сўзларнинг охирида фатҳали танвин ёки “алиф” бўлса, “алиф” билан вақф қилинади.

Мисоллар: (қавс ичида вақф қилинганда ўқилиши берилган)

بَصِيرًا (بَصِيرًا)، عَمَلًا (عَمَلًا)، أَفْواجًا (أَفْواجًا)، أَخْبَارَهَا (أَخْبَارَهَا)، ضَبْحًا (ضَبْحًا)، عُقْبَاهَا (عُقْبَاهَا)

САВОЛ: “Сукун” билан қачон вақф қилинади?

ЖАВОБ: Юқорида ўтган икки кўринишдан бошқа ўринларда сукун билан вақф қилинади.

Тажвид

Мисоллар: (қавс ичида вақф қилинганда ўқилиши берилган)

عَلِيْمُ (عَلِيْمٌ)، رَبُّ الْعَالَمِينَ (رَبِّ الْعَالَمِينَ)
تَعْبُدُونَ (تَعْبُدُونُ)، الْفَلَقِ (الْفَلَقُ)
الصَّمَدُ (الصَّمَدُ)

Эслатма: Маъно қандай бўлишидан катъий назар, ҳар бир оятнинг охирида тўхташ жоиз.

САВОЛ: آیَةَ کалимасида қандай вақф қилинади?

ЖАВОБ: З ўринда сукунли “ҳ” билан آیَةَ (آیَةَ) тўхталади:

1) Нур сурасининг 31-оятида:

وَتَوَبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيَّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

٣١

2) Зухруф сурасининг 49-оятида:

وَقَالُوا يَتَأْيِيهَ السَّاحِرُ أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَاهَدَ عِنْدَكَ

إِنَّا لَمُهْتَدُونَ

٤٩

3) Роҳман сурасининг 31-оятида:

٣١

سَنْفَرُغْ لَكُمْ أَيَّهَا الْثَّقَلَانِ

САВОЛ: Қандай ҳолатларда тўхташ мумкин эмас?

ЖАВОБ: Маъноси тугамай тўхташ ва мақсад қилинган нарсанинг аксига тўхташ. Мажбур бўлмаганда бундай тўхташ ҳаром ҳисобланади.

ВАҚФ (ТЎХТАШ) АЛОМАТЛАРИ

(Мадина мусҳафлари асосида)

 Тўхташ лозим

 Тўхташ мумкин эмас

 Тўхташ жоиз, лекин қўшиб кетиш афзал.

 Тўхташ жоиз ва афзал

 Бу икки белгининг бирида тўхташ мумкин.

 Тўхташ жоиз

 Сукун

 Сажда ояти

 Сакта – икки калима орасида нафас олмасдан бироз тўхташ.

32-ДАРС

САКТА

САВОЛ: Сакта нима?

ЖАВОБ: Икки калима орасида нафас олмасдан бироз тўхташ.

САВОЛ: Куръони каримда нечта сакта ўрни мавжуд?

ЖАВОБ: Тўртта сакта ўрни мавжуд.

САВОЛ: Қайси сураларда мавжуд?

ЖАВОБ: Каҳф, Ёсин, Қиёмат ва Мутоффифийн сураларида.

САВОЛ: Каҳф сурасининг қайси калималарида сакта қилинади?

ЖАВОБ: Каҳф сурасидаги *عَوْجَأَ قَيْمَّا* ка-лималари орасида сакта қилинади.

САВОЛ: Ўқилиши қандай?

ЖАВОБ: *عِوْجَأَ قَيْمَّا* га ихфо қилмасдан, нафас олмасдан бироз тўхтаб, сўнгра *هَذَا قَيْمَّا* ўқилади.

САВОЛ: Ёсин сурасида-чи?

ЖАВОБ: Ёсин сурасида *مِن مَرْقَدِنَا* билан *هَذَا* орасида сакта қилинади.

Куръон ўқиши қоидалари

САВОЛ: Бу қандай ўқилади?

ЖАВОБ: مِنْ مَرْقَدِنَا هُذَا ни ўқиб, нафас ол-
масдан бироз түхтаб, сүнгра هُذَا ни ўқий-
ди. Масалан: مِنْ مَرْقَدِنَا هُذَا

САВОЛ: Қиёмат сурасида-чи?

ЖАВОБ: Қиёмат сурасида رَاقِي وَقِيلَ مَنْ رَاقِي
деганда билан رَاقِي منْ орасида сакта қи-
линиади.

САВОЛ: Бу қандай ўқилади?

ЖАВОБ: مَنْ رَاقِي هي ни ўқиб, нафас олмасдан
бироз түхтаб, сүнгра رَاقِي هي ни ўқийди.

САВОЛ: Мутоффифийн сурасида-чи?

ЖАВОБ: Мутоффифийн сурасида كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَى قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ
деганда билан رَانَ орасида сакта қилиниади.

САВОЛ: Бу қандай ўқилади?

ЖАВОБ: بَلْ هي ни ўқиб, нафас олмасдан
бироз түхтаб, сүнгра رَانَ هي ни ўқийди.

33-ДАРС

ТИЛОВАТ САЖДАСИ

САВОЛ: Тиловат саждасининг ҳукми нима?

ЖАВОБ: Сажда оятини ўқиган ёки тинглаган киши сажда қилиши вожибdir.

САВОЛ: Тиловат саждаси қанда қилинади?

ЖАВОБ: Сажда ояти ўқилгандан кейин таҳорат ила қиблага юзланиб: “Аллоҳу акбар”, деб тўғри саждага борилади, уч марта тасбих айтиб, яна “Аллоҳу акбар” деб саждадан турилади ва тиловат саждаси дуоси ўқилади.

САВОЛ: Тиловат саждаси дуоси қандай?

ЖАВОБ: “Юзим уни куч ва қудрати билан яратилган, (ундаги) қулоқ ва кўзни очган Зотга сажда қилди”. Арабчasi қуйида-гича:

سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ، وَشَقَ سَمْعُهُ
 وَبَصَرَهُ، بِحَوْلِهِ وَقَوْتِهِ

САВОЛ: Кимларга тиловат саждаси қилиш вожиб бўлади?

ЖАВОБ: Намоз фарз бўлган кишига вожиб.

Куръон ўқиши қоидалари

САВОЛ: Тиловат саждасининг дуруст бўлиш шарти нима?

ЖАВОБ: Катта ва кичик бетаҳоратликдан пок бўлиш, кийим ва саждагоҳ пок бўлиши, қиблага юзланиш, аврат тўсилган бўлиши ва ният. Намозни бузадиган амаллар тиловат саждасини ҳам бузади.

САВОЛ: Сажда оятлари нечта?

ЖАВОБ: Сажда оятлари 14 та.

САВОЛ: Сажда оятлари қайсилар?

ЖАВОБ: 1. Аъроф сурасининг 206-ояти.

2. Раъд сурасининг 15-ояти.

3. Наҳл сурасининг 49-ояти.

4 Исро сурасининг 109-ояти.

5. Марям сурасининг 58-ояти.

6. Ҳаж сурасининг 16-ояти.

7. Фурқон сурасининг 60-ояти.

8. Намл сурасининг 24-ояти.

9. Сажда сурасининг 15-ояти.

10. Сод сурасининг 24-ояти.

11. Фуссилат сурасининг 37-ояти.

12. Нажм сурасининг 62-ояти.

13. Иншиқоқ сурасининг 21-ояти.

14. Аъла сурасининг 19-ояти.

وَأَخْرُ دَعْوَانَا أَنِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
ҚҰРЬОН ТИЛОВАТИНИНГ ОДОЛАРИ.....	9
1-ДАРС. ҚҰРЬОНИ КАРИМ ВА ТАЖВИД ХАҚИДА	10
2-ДАРС. ИСТИЙЗА ВА БАСМАЛА.....	12
3-ДАРС. АРАБ АЛИФБОСИ ҲАРФЛАРИ.....	13
4-ДАРС. ИСТЕЛЬО ВА ИСТИФОЛА ҲАРФЛАРИ (йүғон ва ингичка ўқиладиган ҳарфлар).....	13
5-ДАРС. ИСТИФОЛА ҲАРФЛАРИ.....	15
6-ДАРС. НҮТҚ АЪЗОЛАРИ ВА ҲАРФЛАРНИНГ ТАЛАФФУЗ ҚИЛИШ ЎРИНЛАРИ. ҲАРФЛАР- НИНГ МАХРАЖЛАРИ.....	16
7-ДАРС. ҲАРАКАТ, СУКУН, СУКУНЛИ “НУН” ВА ТАНВИН.....	20
8-ДАРС. ҚАЛҚАЛА ҲАРФЛАРИ.....	21
9-ДАРС. ҲАМС ВА СОФИР ҲАРФЛАРИ.....	21
10-ДАРС. ИЗХОР.....	23
11-ДАРС. ИКЛОБ.....	24
12-ДАРС. ИДФОМ-ҒУННАЛИ ИДФОМ.....	25
13-ДАРС. ҒУННАСИЗ ИДФОМ.....	27
14-ДАРС. ИХФО-ҒУННАЛИ ИХФО ҲАРФЛАРИ:.....	28
15-ДАРС. СУКУНЛИ МИМ.....	30
16-ДАРС. МАД ҲАРФЛАРИ.....	32

Куръон ўқиши қоидалари

17-ДАРС. САБАБИ МАД.....	32
18-ДАРС. МАДНИНГ ТУРЛАРИ. МАДДИ ТАБИЙ.....	34
19-ДАРС. МАДДИ МУТТАСИЛ.....	35
20-ДАРС. МАДДИ МУНФАСИЛ.....	36
21-ДАРС. МАДДИ ЛОЗИМ.....	38
22-ДАРС. МАДДИ ОРИЗ.....	39
23-ДАРС. МАДДИ ЛИНИ ЛОЗИМ ВА МАДДИ ЛИНИ ОРИЗ.....	39
24-ДАРС. “АЛЛОҲ” ЛАФЗИ.....	41
25-ДАРС. “РО” ҲАРФИННИНГ ТАФХИМИ.....	42
26-ДАРС.“РО” ҲАРФИННИНГ ТАРҚИҚИ.....	43
27-ДАРС. ИДҒОМИ МИСЛАЙН.....	45
28-ДАРС. ИДҒОМИ МУТАЖОНИСАЙН.....	46
29-ДАРС. ИДҒОМИ МУТАҚОРИБАЙН.....	48
30-ДАРС. ИДҒОМИ ШАМСИЙА.....	49
31-ДАРС. ВАҚФ (ТҮХТАШ).....	50
ВАҚФ (ТҮХТАШ) АЛОМАТЛАРИ.....	57
32-ДАРС. САКТА.....	54
33-ДАРС. ТИЛОВАТ САЖДАСИ.....	56

**Абдулҳаким қори
Комилжон ўғли**

ТАЖВИД

(ҚУРЬОН ЎҚИШ ҚОИДАЛАРИ)

Муҳаррир:

Алишер Назар

Техник муҳаррир:

Аббос Аҳмад

Мусаҳҳих:

Гулноз Мўминова

Дизайнер:

Дилмурод Жалилов

"Имом Бухорий халқаро маркази" нашриёти
Лицензия рақами AI №312 14.03.2009 йил.

Теришга 2018 йил 21 майда берилди.

Босишга 2018 йил 01 июнда рухсат этилди.

Бичими: 70x90 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида оғсет қоғозида босилди.


2.75 шарт. б.т. 2.2. ҳисоб нашр. таб.

Адади 30 000 нусха. 18-сон буюртма.


“Hilol Media” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

АРАБ ТИЛАДА 29 ТА ҲАРФ БҮЛИБ, УШБУ ҲАРФЛАР 5ТА АҶОДА 17 ТА МАХРАЖДАН ЧИҚАДИ


I. ЖАВФ - 1 та махраж, ҳалқум ва оғиз бўшлиғи




II. ҲАЛҚУМ - 3 та махраж, 6 та ҳарф




III. ТИЛ - 10 та махраж, 18 та ҳарф. 1- ва 2-махражлар:
Тилнинг туви ва сал ташқариси, 2 та ҳарф.




3-махраж: Тилнинг ўртаси, 1 та махраж, 3 та ҳарф.




4- ва 5-махражлар: Тилнинг ўнг ва чап ёnlари билан остки ҳамда устки тишлар ораси, 2 та ҳарф.



6- ва 7-махражлар: Тилнинг учи. 2 ҳарфдан иборат.




8-махраж: Тилнинг учи ҳамда юқори ва пастдаги тишлар ораси: «;**ز**» , «**س**» , «**ص**» ҳарфлари




9-махраж:

Тилнинг учи, олдинги икки устки ва остки тишлар ораси




10-махраж:

Тилнинг учи ва олдинги икки тиш туби, З та ҳарф





IV. ИККИ ЛАБ - 2 та маҳраж, 4 та ҳарф



V. ДИМОФ - 1 та маҳраж. Ғунна – талаффузда товушнинг бурундан чиқиши

